Ушбу сонда:
2 ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ ЭЛ-УЛУС БИР БЎЛИБ
3 ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 11 июн, шанба № 92 (1933)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 июн куни Оқсаройда Россия Федерациясининг «Политика» жамғармаси президенти Вячеслав Никонов раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул килди.

Давлатимиз раҳбари россиялик таниқли сиёсатчи ва журналистларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлади.

- Ишончим комилки, сизларнинг Ўзбекистон учун жиддий аҳамиятга эга масалалар бўйича холис ва принципиал баҳоингизнинг аҳамияти катта,- деди Ислом Каримов. - Айниқса, Ўзбекистонга қарши ахборот хуружи бошланган ҳозирги пайтда вазмин ва теран мушоҳадага асосланган нуқтаи назарингиз биз учун ғоят муҳим.

Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорлик Россия ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутишини В.Никонов алоҳида таъкидлади. Икки давлат раҳбарлари томонидан 2004 йилнинг июнида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

- Ўзбекистон кучли давлатчилик тажрибасига эга мамлакат, -деди «Политика» жамғармаси президенти. - Бугунги нотинч ва мураккаб замонда Ўзбекистон раҳбариятининг жамият манфаатлари устуворлигига таянган қатъий ва ҳаққоний сиёсати мамлакат келажагини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда муҳим геосиёсий аҳамиятга эга Марказий Осиё минтақасида қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноий тўдалар ҳамда вазиятни беқарорлаштиришга уринаётган кучларнинг манфаатлари тўқнашаётгани сир эмас, деб таъкидланди учрашувда. Улар ўзининг ғаразли ғоялари билан аҳоли онгини заҳарлаш, тартибсизликлар келтириб чиқариш орқали манфур ниятларини амалга оширишга интилаётир. Жорий йилнинг 13 майида Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракати ҳам бунга мисол бўла олади.

Минтақага тобора кенг хавф солаётган бундай таҳдидларнинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар кўрилаётганлиги қайд этилди.

Россиялик мутахассислар самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

(ЎзА)

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар



Бозор муносабатлари ҳар биримизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатди. Хусусан, деҳқон хўжаликларининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Одамлар хўжалик юритишнинг ушбу тури фаровонлик манбаи эканлигини тобора чуқур англаб бормоқдалар. Буни Шаҳрисабз туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

ДЕҲҚОН ҚУВОНГАН КУН

Хўжаликда асосий экин ҳисобланган пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари сабзавотчиликдан ҳам каттагина даромад олиняпти. Ўтган йили хўжалик деҳқонлари катта даромад олиб, унинг асосий қисмини ижтимоий соҳага йўналтирдилар. Эндиликда хўжалик аҳолисининг 95 фоизи табиий газ, 100 фоиз тоза ичимлик суви билан таъминланганлигининг ўзи бу ернинг об-ҳавосидан дарак бериб турибди. Айни пайтда хўжаликда 425 та томорқа хўжаликлари ташкил этилган бўлиб, йил сайин мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Занги қишлоғида яшовчи Ғани Шариповлар оиласи 25 сотих томорқа хўжалигига эга. Оиланинг 12 нафар аъзоси кунни тунга улаб помидор, бодринг, болгар қалампири етиштириб, каттагина даромад соҳибига айланмоқда. Ўтган йили Шариповлар оиласи 3 миллион сўмлик бўлишди. Даромад эвазига "Дамас" автомашинаси сотиб олинди.

Келдиҳаёт қишлоғида яшовчи Тош бобо Қурбоновлар оиласи эса 10 йилдирки деҳқончилик билан шуғулланишади. 35 сотих майдонда эртаки сабзавот парваришлаб, ўтган йили 2 - 2,5 миллион сўм даромад қилишди. Ҳалол меҳнат орқасида оила бошлиғи тўрт ўғлини уйлантириб, уч ўғлига уй қуриб берди.

Сатилла қишлоғида яшовчи Аловиддин Шохўжаев ҳамда Гуллола Маҳмудовалар оиласи 18 сотих ерда деҳқончилик қилади. Даромад яхши бўлса яшаш ҳам соз бўлар экан. Бировдан камчиликлари йўқ. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хўжалик ҳудудида еттита маҳалла бўлиб учта мактабда 2000 нафардан ортиқ ўқувчилар таълим олади. 1 та қишлоқ врачлик пункти, 1 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 2 та фельдшерлик-доялик пункти ишлаб турибди. Мактабларга мунтазам равишда хўжалик томонидан ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда.

Деҳқонлар жорий йилда катта марраларни кўзлаб меҳнат қилаяптилар. Хўжалик раҳбари Азамат Боймуродовнинг таъкидлашича, 480 гектар майдонда буғдойдан мўл ҳосил етиштирилди.

Режага кўра 2050 тонна дон ишлаб чиқарилади. Унинг 1250 тоннаси давлатга сотилади. Етиштирилган ҳосилнинг 700 тоннаси уруғлик буғдой бўлиб, шунинг ўзидан 250 миллион сўм фойда олинади. Пахтачилик ва ғаллачиликдан 1 миллиард сўмдан ортиқ даромад қилиниши кўзда тутилмоқда. Унинг асосий қисми ижтимоий соҳага йўналтирилади.

Биз хўжаликда бўлган кунимиз қувончли воқеага гувоҳ бўлдик. Муртоза Абдуллаев раҳбарлик қилаётган оилавий пудратчилар 10 гектар майдонга деҳқончилик қилиб, гектаридан 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаганлар. Пудрат аъзоси Саида Эшбобоева эгалик қилаётган майдонни кўриб ҳавасимиз келди. У ғўзанинг гуллаганлиги ҳақидаги хушхабарни айтиб, раис бобонинг пул мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, пудрат аъзолари ҳам хўжалик маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитасининг 100 минг сўмлик мукофотини олдилар.

Яна бир хушхабар. Шу куни хўжалик пиллакорлари шартнома режасини ошириб адо этишибди. Бу — деҳқон янада катта даромад олиб, фаровонлиги яхшиланади, деганидир.

630 қути ипак қурти парваришлаган хўжалик пиллакорлари 33 тонна сифатли хом ашё етиштирдилар.

Ш.СУЛТОНОВ,
"Ишонч" мухбири

Суратларда: Пудратчилар Саида Эшбобоева ва Зубайдулло Каримов, меҳнат фахрийси Усмон Сатторов

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизга Россиянинг «Политика» жамғармаси президенти Вячеслав Никонов раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Делегация таркибида Россия сиёсий тадқиқотлар институти директори Сергей Марков, «Политический класс» журнали бош муҳаррири Виталий Третьяков, «Труд» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Рафаэль Гусейнов ва Москва шаҳри мэрининг маслаҳатчиси Нурали Латипов бор.

Делегация аъзолари Андижон шаҳрида бўлиб, жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Улар 13 май куни содир этилган фожиали воқеаларнинг гувоҳлари ва террорчилар томонидан гаровга олинганлар, фожиа қурбонларининг оила аъзолари билан суҳбатлашдилар. Россиялик экспертлар террорчиларнинг миллати билан қизиқди. Жавоблардан маълум бўлдики, қонли воқеаларни амалга оширганлар орасида турли миллат вакиллари бўлган.

Мулоқотларда айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида қурбонлар сони атайлаб ошириб кўрсатилгани ва фожиали воқеалар нохолис ёритилгани, қўпорувчилар орасида чет эл фуқаролари ҳам бўлгани, умуман, террорчилик ҳаракати хориждаги экстремистик марказлар томонидан тайёрланганги таъкидланди.

Делегация аъзоларининг Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтининг (СМТИ) мутахассислари билан бўлган учрашувида минтақамизда қўпорувчиликларни амалга оширишга ҳаракат қилаётган диний-экстремистик гуруҳларнинг мақсад-муддаолари тўғрисида гап борди. Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Шу куни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида россиялик меҳмонлар иштирокида фуқаролик жамиятини шакллантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда жамиятни демократлаштириш соҳасида келгусида ҳаётга татбиқ этилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Ғараз ниятли турли оқимларнинг хуружларига барҳам беришда, жамиятни ҳар хил зарарли ғоялардан ҳимоя қилишда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Давра суҳбати қатнашчилари Ўзбекистонда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан ҳам учрашди.

- Баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларида Андижонда содир этилган фожиали воқеалар қурбонлари сонига оид рақамлар ошириб юборилган, - деди В.Никонов. - Ҳозир дунёда бундай хунрезликларни молиялаштирадиган ва бошқа йўллар билан қўллаб-қувватлайдиган ташкилотлар, афсуски, кам эмас. Андижондаги террорчилик ҳаракатларида Қирғизистонда март ойида юз берган воқеаларга алоқадор одамларнинг ҳам қўли борлигини инкор этиш қийин. Террорчилар орасида четдан келган одамлар ҳам бўлгани шундан далолат беради.

(ЎзА)

2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига мувофиқ 10 июн куни Чирчиқ Олимпия захиралари коллежида республика аёллар спартакиадаси белгилашувлари бошланди. У Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари федерацияси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Миллий Олимпия Қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

АЁЛЛАР СПАРТАКИАДАСИ БОШЛАНДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш борасида мамлакатимизда бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Қўмита фаолиятининг асосий вазифаларидан бири - хотин-қизлар ва болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, аёлларни спортга кенгроқ жалб қилиш, оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдан иборатдир.

Хотин-қизлар қўмитаси шу мақсадда тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда енгил атлетика, бадиий гимнастика, синхрон сузиш, теннис каби спорт турларини жойларда кенг ривожлантиришга қаратилган тадбирларни ўтказиб келмоқда.

Ушбу спорт турларининг ривожланиши - юртимиз хотин-қизларининг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиши янада ортаётганлигидан далолат беради. Уларни жисмоний тарбияга мунтазам жалб қилиш, спорт билан узлуксиз шуғулланишларини таъминлаш мақсадида жойларда кўплаб тўгараклар ташкил этилган.

Спартакиада мусобақаларида барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 400 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этади. Улар спортнинг - волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол теннриси, шахмат, шашка, арқон тортиш, сузиш турлари бўйича икки кун давомида ўзаро куч синашади.

Аёллар спартакиадасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,
Лутфулло СУВОНОВ,
ЎзА мухбирлари

АНДИЖОН ВА АНДИЖОНЛИКЛАР: ОГОҲЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, БУНЁДКОРЛИК

Иш кунимни цехларни айланиш, ишчилар билан дийдорлашишдан бошлашга одатланганман. Чунки бу жойларда корхонанинг томир уриши сезилиб туради.

Механика цехига кирганимда чилангар Валерий Воротниковни ўз дастгоҳи ёнида учратдим. У 18 йилдан буён шу касб этагини тутган, қўли гул ишчиларимиздан. Бирор ускунадан ишкаллик чиқиб, тўхтаб қолса, ҳамиша ёрдамга ҳозиру нозир. Унинг шогирдларидан бири – Дилшодбек Алимов ҳам устози каби фидойи инсонлардан.

Бунёдкорлик, аҳиллик, бағрикенглик андижонликларнинг шарқона удуми. Дилшодбек устози каби мураббий, технологик ечимларнинг жонкуяри, мусобақа пешқадами сифатида танилган. Устоз ва шогирд ҳамкасблар даврасида 13 май кунидаги воқеаларга муносабат билдиришаётганининг гувоҳи бўлдим. Ҳамкасблар жонли мулоқот бошлашганди. Бировнинг мушти тугилган, бировнинг асаби таранг. Жангариларнинг қонли қилмишларига лаънат ёғдирар, огоҳлик, тинчлик, ҳушёрликка интиладиган чамбарчас боғлаганлар. Якдиллик, ҳамжиҳатлик туфайли, корхонамизнинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиб, ишлаб чиқариш барқарорлашиб боряпти. Жамоамиз республикамиздаги ёқилғи қуйиш цистерна-вагонлари ишлаб чиқарадиган ягона корхона ҳисобланади. Шу билан бирга асосий буюртмачи Ўзбекистон темир йўллари компаниясига қарашли вагон, йўл, локомотив ҳамда алоқа хўжаликларига 144 турдаги эҳтиёт қисмлар тўҳфа қилдик.

ётганлигини, ғанимларга жавоб бўлсин учун бугун кечагидан ҳам яхшироқ меҳнатга отланганлигини изҳор қиларди.

Ўзаро мулоқот ва баҳсларда ишчиларимиз кечаги одам эмаслигини, қалблари мустаҳкамликкга ва озодликка ҳамоҳанг эканлигини кўрсатарди. Шунингдек, улар эртанги кунларини эл-юрт тақдири билан чамбарчас боғлаганлар. Якдиллик, ҳамжиҳатлик туфайли, корхонамизнинг иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиб, ишлаб чиқариш барқарорлашиб боряпти. Жамоамиз республикамиздаги ёқилғи қуйиш цистерна-вагонлари ишлаб чиқарадиган ягона корхона ҳисобланади. Шу билан бирга асосий буюртмачи Ўзбекистон темир йўллари компаниясига қарашли вагон, йўл, локомотив ҳамда алоқа хўжаликларига 144 турдаги эҳтиёт қисмлар тўҳфа қилдик.

(Давоми 2-бетда)

Оролбўйи ғаллакорлари буғдой ўримига киришдилар. Мавсумни биринчилардан бўлиб Элликқалъа ва Амударё туманлари деҳқонлари бошлаб берди.

БУҒДОЙ ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Элликқалъалик ғаллакорлар жорий йилда давлатга 3 минг тоннадан ортиқ дон сотишни режалаштирган. Шунингдек, беш юз тонна сара уруғ тайёрланади. Бунинг учун шартнома асосида 2 та ширкат ва 420 та фермер хўжалиги далаларида мўл ҳосил етиштирилди. «Қорақалпоқдонмаҳсулотлари» ишлаб чиқариш акционерлик уюшмасининг тумандаги иккита шохобчасида эса дон қабул қилишга пухта тараддуд кўрилди.

Ҳосилни тез фурсатда сифатли ўриб-янчиб олишда Қорақалпоғистон Республикаси «Агроинтехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси комбайнчилари ғаллакорларга ёрдамга келди. Ўндан ортиқ замонавий комбайнлар ҳосилни йиғиштириб олишга киришди.

Икки минг икки юз гектар майдонда мўл ҳосиб етиштириб, давлатга 3400 тонна ғалла сотишни режалаштирган амударёлик деҳқонлар ҳам Қорақалпоғистоннинг 60 минг тонналик ғалла хирмонига муносиб улуш қўшиш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРГА ЙЎЛ ОЛДИ

Бу йил Оролбўйидан икки ярим минг нафар бола Тошкент вилояти ва Фарғона водийсидаги ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариши режалаштирилган.

Нукус темирйўл шоҳбекатида дам олувчиларнинг дастлабки гуруҳини тантанали кузатиш маросими бўлди. Тошкент вилояти оромгоҳларига 120 нафар бола жўнаб кетди. Уларнинг 60 нафари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидир.

ЯШИРИН ЦЕХ — КАСОФАТ

Чортоқ туман Давлат солиқ инспекцияси бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида йирик миқдорда пул маблағлари айланмасини амалга оширган хўжалик юритувчи субъектларда таҳлил ишлари ўтказилди. Юридик шахслар тўловларини бюджетга тушишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими ўтказган текширувлар жараёнида 26 та хўжалик юритувчи субъект хуфёна иқтисодни амалга ошираётганлиги аниқланди. Фаолияти шубҳали деб топилган 2 та хўжалик юритувчи субъектларда бир талай нуқсонларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Жумладан, тумандаги «Агростандарт Евроқурилиш» МЧЖда савдо пуллари назорат касса машинасига кирим қилинмаганлиги аниқланиб, ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилди. Махсус рухсатнома (лицензия)нинг амал қилиш муддати ўтганлигига қарамай, ўз фаолиятини давом эттираётган «Унумдор» хусусий фирмасига ҳам 2 100 минг сўм молиявий жарима қўлланилди.

Чортоқ Деҳқон бозори қошидаги «Савдо харид» бўлими «Ўзбекистон ўрамли том-ёпқич маҳсулотлари ишлаб чиқариш» ҳиссадорлик жамиятидан олган кўп миқдордаги маҳсулотларни сотилишидан тушган даромад ҳисоботда акс эттирилмаган. Шу сабабли корхонага нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноий иш қўзғатилди.

Бўлим ходимлари шу йилнинг ўтган даври мобайнида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашида тасдиқланган режага асосан бир қатор хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиб, 3 та хўжалик юритувчи субъектнинг 657160,3 минг сўм муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйганлигини аниқлашди. Шундан 1 та хўжалик юритувчи субъектнинг текшириш ҳужжатлари қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Қолган 2 нафар мансабдор шахс эса маъмурий жазога тортилди.

Шунингдек, туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган яширин цехларни аниқлаш бўйича рейд текширувлари олиб борилмоқда. Хусусан, Чортоқ шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро А. Маллабоев ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмай, нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланган. Рейд жараёнида 20 килограмм 1-навли ун маҳсулоти далилий ашё сифатида олинди. Ўзбекистон кўчасида яшовчи «уддабурон» тадбиркор О.Қодиров ҳам қонун-қоидага зид равишда озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш билан машғул бўлган.

Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарори талаблари ижроси юзасидан 18 та текшириш ўтказилиб, уларнинг аксариятида турли қонунбузарликлар аниқланди. Яъни, 11 та ҳолатда назорат касса машинасидан фойдаланмаслик, 7 тасида нақд пул тушумини банкка топширмаганликлари аниқланди.

Бундан ташқари, 3 та жисмоний шахс жами 39 дона умумий қиймати 40,4 минг сўмлик бўлган аудио-видео кассета ва лазер дискларни белгиланган ҳужжатларсиз савдо-сотиқ қилаётганларида қўлга олинди. Уларга нисбатан тегишли ҳужжатлар туман судига юборилди.

2005 йилнинг ўтган 4 ойи давомида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган 715 нафар тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилиб, 24 100 сўм даромад солиғи ундирилди.

Р.МАҲКАМОВА,
«Ишонч» мухбири.

Қонун барчага баробар

МЕҲРИНГ ИЛА ЯШАЙМИЗ, ВАТАН!

(Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш тўғрисидаги қарори цехларимизни юксак унумли замонавий технологик линиялар билан янгилаш, маҳсулот турларини кўпайтириш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш имконини бермоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида 2 миллиард 718 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги, олинган соф фойда 300 миллион сўмга кўпайганлиги жамоада меҳнат кўтаринкилиги авжида эканлигини кўрсатмоқда. Шу муддат мобайнида ҳамкорларимизга 150 та цистерна-вагон сифатли таъмирдан чиқарилиб, етказиб берилди.

Андижонликлар изланувчан, саховатли, янгиликка ўч, ватанпарвар халқ. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, вагон цистерналардан фойдаланиш муддатларини узайтириш каби корхонанинг қайта модернизациялашга қаратилган инженерлик-муҳандислик тадбирларини изчил амалга оширяпмиз. Тайёрланаётган маҳсулотнинг хизмат кўрсатиш муддати 16 йилга узайтирилганлиги буюртмачиларни қувонтирмоқда. «УзДЭУавто» қўшма корхонаси билан елкадошлигимиз боис, корхонамизнинг молиявий ҳолати бақувватлашиб бормоқда. Айни чоғда буюртма бўйича автомобил ташийдиган икки ярусли платформаларни такомиллаштириш ишлари қизғин боряпти. Эндиликда «Нексия», «Матиз», «Ласетти» автомобиллари сим тўрлари билан ўралган платформаларда ташилмоқда. МДҲ давлатлари орасида биринчи бор қўлланилаётган ушбу тажриба юк ташиш хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Бугунгача буюртмачиларга 30 та янги типдаги ана шундай платформалар тақдим этилди. Йил охиригача мижозларимиз яна 35 та ана шундай вагонларга эга бўладилар.

Чизма-конструкторлик бўлими иқтидорли ишчиларнинг изланувчанлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ярим очиқ ва ёпиқ вагонлар ишлаб чиқаришга доир инженерлик-муҳандислик ишлари жадаллашмоқда. Бу иш амалга ошса, йилига 60 та ярим очиқ, 50 та ёпиқ вагонлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

Ўзбекистонни мустақиллик, янгиланиш, ислоҳотлар йўлидан ҳеч ким қайтаролмайди. Нафақат бош корхонамиз, балки туманлардаги филиалларимизда бир маромда кетаётган бунёдкорлик ишлар буни тасдиқламоқда. Цехларни реконструкциялаш, қайта жиҳозлаш, рақобатга бардошли, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни давом этмоқда. Пахтаобод участкамиздаги хайрли ишлар бунга мисол бўла олади. Ғилдираклар жуфтлигини йиғиш, вагонларни пўлат соққалар кўмагида тозалаш ва бўяш тадбирлари амалга ошириляпти.

Бу янгиланишлар биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини мустаҳкамлашга замин яратмоқда. Корхонамизда кейинги пайтда янги иш ўринлари яратилди. Ишсизликнинг олдини олиш, ходимларни соғломлаштириш, меҳнатни муҳофазалаш, ишловчиларга шароит яратиш, маош тўловларидаги қарздорликка барҳам бериш масалалари касаба уюшма ташкилоти билан иш берувчи ўртасида тузилган жамоа шартномасида тўла кафолатланган. Ушбу шартномада жамоамизда меҳнат қилаётган 1000 нафарга яқин ишловчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланган. Директор ҳузуридаги маслаҳат йиғинида ҳамда касаба уюшма ташкилотининг раёсат мажлисларида жамоа шартномаси мажбуриятларининг ижроси мунтазам таҳлилдан ўтказиб борилади. Корхонамиз ишчиларига алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Иш ҳақи, 2 ёшли бола парваришидаги оналарга нафақа, пенсия тўловларида узилиш бўлмайди. Ўртача маош 100 минг сўмдан зиёд. Ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоясига сарфланаётган пул маблағлари ҳажми йил сайин ошиб боряпти. Стажи, малакасига қараб устама тўлаш тартиби жорий этилган. Эмизикли оналар таътилга чиқаётганда ҳақ тўланадиган қўшимча имтиёзлардан баҳраманд. Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган шифохона, душ, ошхона, дам олиш хоналари, ишчиларга беминнат хизматда. Зарарли шароитда ишловчиларга сут, қатиқ маҳсулотлари тарқатилмоқда.

Касаба уюшма ва маъмурият баҳамжиҳат ҳаракат қиляпти. Ишчиларни соғломлаштириш, илғорларни рағбатлантириш, уй-жой шароитини яхшилаш муаммолари маъмурият билан биргаликда ечиляпти. Илғорларимиздан 3-механика цехи бошлиғи Эркин Аҳмаджонов, смена мастери Сахобиддин Назаров, Ғайратбек Йўлбарсовлар касаба уюшма ва маъмурият қўшма қарори билан санаторийларга бепул йўлланма билан тақдирландилар. Яқинда улар тизимга қарашли «Чимён», «Назарбек» сиҳатгоҳларида дам олиб қайтдилар.

Ф.ҚОБУЛОВ,
Андижон механика заводи директори,
О.СОДИҚОВ,
корхона касаба уюшма қўмитаси раиси

Бугуннинг одамлари

ОЛТИН БОШОҚЛАР

Ҳайдовчининг ёнида ўтирган Маъруфжон ака кабина ойнасидан денгиздек мавжланаётган тилларанг буғдойзорни ҳузурланиб томоша қиларкан, елканли кема мисоли ғаллазорда сузаётган комбайннинг иш унумига тан берди. Машина пайкалнинг ярмига етмаёқ кабинада «дуд», «дуд» деган чақириқ янграб, панелдаги рангли лампочкалар тез-тез ёниб-ўча бошлади. Бу бункер донга тўлганини билдирарди.

Комбайн тўхтади. Шу заҳоти ҳозир бўлган трактор тиркамасига шнекдан шовуллаб дон тўкила бошлади. Тиркамаси сара дон билан тўлган трактор тезда дон қабул қилиш корхонасига йўл олди. Кўп ўтмай, ўғил оғзи қулоғида қайтиб келди.

– Ота, суюнчи беринг, – деди Умиджон трактор рулидан тушмай. - Шартнома мажбуриятини уддалабмиз!

– Кўрманага фермерлик аъзоларига ҳосил оши дамлаймиз ўғлим.

Комбайнга, тракторга дам бердилар. Сўнгра ота-ўғил ғаллазорни оралаб кетишди. Маъруфжон ака энгашиб тўлиқ бошоқларни кафтига олди. Донни сомондан ажратиб, мунчоқдек-мунчоқдек сара донларга меҳр билан тикилди. Қуёш тафтидан баҳра олиб, ҳосилини кўтаролмай бош эккан бошоқларга ишора қилиб ўғлига юзланди:

– Буғдой йили бўлди, ўғлим. Деҳқоннинг уйига қут-барака киради.

Кейин ҳали ўроқ тегмаган, уфққа ястанган ғаллазорларга назар соларкан, чамалаб шартномадан ошиқча 12 тонна буғдой ўзларига қолаётганини айтди.

Шу куни фермернинг ҳузуридан меҳмонлар узилмади. Балиқчи туман ҳокимлиги, деҳқон ва фермерлар уюшмаси вакиллари «Олимжонҳожи» фермер хўжалигини илк ғалаба билан қутлашди. Негаки, фермер хўжалиги Андижонда биринчи бўлиб ғалла сотиш давлат буюртмасини адо этган, деҳқончилик қилинаётган 3,3 гектар ердан 70 центнердан ҳосил етиштирилган эди.

– Фермерлигимиз ривожига Президентимизнинг ўзлари оқ фотиҳа берган, – дейди Маъруфжон ака Насриддинов ғурур билан, 1998 йили Юртбошимизнинг жамоа экинзорига ташрифини эслаб.

Фермер хўжалиги жамоаси ишончни шараф билан оқлаб келмоқда. Ердан фойдаланиш самарадорлиги йил сайин ошиб бораётир. Ўшандан бери буғдой ҳосилдорлиги 7 центнерданга, пахта ҳосилдорлиги 6 центнерданга, рентабеллик эса 35 фоизга кўтарилди. Масалан, ўтган йили жами буғдой ҳосилдорлиги 20 тоннага, пахта ҳосилдорлиги эса 24 тоннага етказилди. Такрорий экин - маккажўхоридан ҳам мўл ҳосил олинди. 45 центнердан кўк масса, 50 центнердан макка дони тайёрланди. Озуқа ўзидан чиққач, қўрада қўй-қўзилар, зотдор сигирлар парваришланиши тайин. Тер тўкканга ер дур тўкади. Шу йили фермер хўжалиги 6 миллион сўмлик даромадни қўлга киритди.

Ҳозирда парваришланаётган 7,7 гектардаги ғўзаларнинг ривожи яхши. 33 центнердан ҳосил етиштириб, 26 тонналик хирмон уюшга азму-қарор қилинган. Ғўза бир текис шоналаган. Ғаллачиликдан эса 1,5 миллион атрофида даромад кутиляпти. Буғдойдан бўшаган майдонларнинг бир қисмига маккажўхори, сабзи экилган. 10 тонна макка дони олиниб, омухта ем ғамланади. Бу қўйга қўй, қорамолга қорамол қўшилади дегани.

Андижонликлар ортганини эл-юрт билан баҳам кўришга одатланган. Фермер Шераличек қишлоғини ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшиб келяпти. Маҳалла кўчалари жамоа маблағи ҳисобига асфальтланди. Ҳудуддаги 7-мактаб ўқувчиларига дарсликлар, ўқув қуроллари, спорт анжомлари туҳфа қилинди.

Р.СОБИРОВ

АНДИЖОН ВА АНДИЖОНЛИКЛАР:

ОГОҲЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК, БУНЁДКОРЛИК



«Меҳрибонлик уйи»нинг тиббиёт бўлими 310 ўринга мўлжалланган. Айни кунда бу ерда 270 нафар ногирон муолажа олмоқда. Жами 120 нафар ходим кечаю кундуз беморлар хизматида.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК НЕЪМАТИ

Шифохонамиз замонавий поликлиникалардан ҳечам қолишмайди. Етарли даражада жиҳозланган юрак-қон томир, ошқозон-ичак, тери-таносил, ташҳис ва нафас йўллари касалликлари бўлимлари ишлаб турибди. Сиҳатгоҳимизда беморларнинг сиҳат-саломатлигини кўз қорачиғидек сақлаётган меҳри офтоб ходимларимиз кўп. Зикриёхон Эгамбердиева, Ҳусниддин Сулаймонов, Раъногон Исмоилова сингари шифокорлар дилкаш муомаласи, ширин каломи билан ҳам жамоада ҳурмат қозонган.

Шу ўринда бир воқеани келтириб ўтсам. Бир бемор болакайнинг аҳволи кун сайин оғирлашиб борар, на дори-дармон, на муолажа кор қиларди. У «Меҳрибонлик уйи» дарвозаси кўриниб турган палата деразасига эртадан кечгача тикилиб ётарди. Маълум бўлишича, отаонаси дунёдан ўтган бўлиб, оилада опа-сингил бир-бирларига суяниб яшарканлар. Буни ҳаёт, дейдилар. Ёзиғда бор экан, болакай паралиж касали билан оғриб «Меҳрибонлик уйи»га келтирилади. Шу орада опажониси ҳам оғир хасталик билан оламдан кўз юмади. Албатта, бу фожеани укасидан сир тутадилар. Шу орада кимдир унга тугунча қолдириб кетади. Унда егуликлар, бемор номига битилган мактуб бор эди. Номада опа-уканинг эрта-индин юз кўриши ёзилганди. Умид билан яшаш қандай яхши. Бемор ёруғ оламда ёлғиз эмаслиги, суянчи ва таянчи борлигини билиб овунади. Опасини оёқда кутиб олиш учун жисмоний тарбия билан шуғуллана бошлайди. Натижада оёқ-қўли ҳаракатга келади. Кундан-кунга соғая боради. Баъзан Раъногон учраб, уйидан қўнғироқ қилишгани, дийдорлашув онлари яқинлашаётганидан уни хабардор қиларди. Бу тадбирларни Раъногон ўйлаб топганини ҳамкасблардан бошқа ҳеч ким билмайди.

«Меҳрибонлик уйи» ногиронларнинг ўз уйига айланган. Уларга кунига тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. Овқатлар хилма-хил, дастурхонга сариёғдан тортиб, қаймоққача тортилади. Пардек юмшоқ кўрпа-ёстиқлар тўшалган шинам ётоқхоналарда уйқуга кетадилар. Спорт майдончаси, дам олиш хоналарида барча шароитлар яратилган. Табиат қучоғига, ўлкашунослик музейларига тез-тез экскурсиялар уюштириб турамиз.

«Сиҳат-саломатлик йили»да амалга ошираётган ишларимиз кўлами кенгаймоқда. Эътиборлиси, тадбирларни касаба уюшма ташкилоти ҳамда маъмурият билан ҳамкорликда ишлаб чиққанмиз. Нафақат 120 нафар ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоялаш, балки ногиронларнинг сиҳати, маиший шароити, даволанишининг йўлга қўйишилида ҳам Маъмуржон Жўраев етакчилигидаги касабачилар иш берувчига елкадош.

Ҳудудимизда 2 гектар ерда полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Ёрдамчи хўжаликда эса қорамол ва паррандалар парваришланяпти. Дастурхондан тухум, гўштли таомлар узилмаётганлиги боиси шу. Бир гектар майдондаги боғда ўрик-шафтоли, олхўри, олма каби сархил мевали дарахтлар ўсади.

«Меҳрибонлик уйи»да яшовчиларнинг кундалик ҳаёти соғлом, кўнгилли ўтишига катта аҳамият берилмоқда. Эрталабки бадантарбиядан сўнг тўкин дастурхон уларга мунтазир. Тушликдан кейин, шифокорлар тили билан айтганда, «меҳнат терапияси» бошланади. Ҳар ким баҳоли қудрат гулзорларни парваришлаш, ётоқхоналарни тартибга келтириш каби енгил юмушлар билан шуғулланишга одатланган. Кейин дам олиш соатлари бошланади. Биров кинозалга марҳамат қилиши, бошқаси билярд ўйнаши мумкин, кимдир хоҳишига қараб китоб мутоаласига киришади. Хуллас, меҳрибонлар гўшаси ҳамжиҳат, файзу баракотли хонадоннинг ўзи.

Андижонлик меҳрибонларнинг мурувватидан нафақат водий, ҳатто қўшни вилоятлар, шаҳарлар аҳолиси ҳам баҳраманд. Буни дилномаларга битилган сўзлар билан танишиб огоҳ бўласиз. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида яшовчи Гулсулув Султонованинг 2005 йил йил 16 апрелда «Миннатдорчилик дафтари»даги ёзувларини ўқиймиз: «Фарзандим Темурнинг сиҳат-саломатлигини кўриб бошим осмонга етди. Шифокорлар соғ-омон бўлсин». Марҳаматлик онахон Ж.Ҳасанова 13 апрелда қолдирган дастхатида шундай ёзади: «Нури-дийдамга умр улашаётган бекачлар, шифокорлар дунё тургунча турсин». Жалақудуқлик отахон Ҳасанбой Мўминов ҳам мамнун: «Ногирон ўғлимнинг оёққа турганлигини кўриб, қоронғу кўнглимга нур, зиё кирди. Шифокорлар барака топсин».

Хуллас, давлатимизнинг саховатпешалиги, қолаверса, ходимларимизнинг ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида қилаётган жонбозлиги туфайли бу ерда яшаб даволанаётганлар жўшкин ҳаёт қучоғига қайтишмоқда.

Маҳфузахон АБДУЛЛАЕВА,
Андижон туманидаги 3-«Меҳрибонлик уйи» тиббиёт бўлими мудири

ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ ЭЛ-УЛУС БИР БЎЛИБ

Қодиржон трактор саройини айланаркан, ишловчиларга яратилган мавиший шароитдан кўнгли тўлди. Мўъжазгина ошхона саранжом-саришта. Столларда охори тўкилмаган дастурхон, чойнак-пиёлалар, дошқозондан шипга буғ ўрларди. Тандирга кимдир ўт қалаётганди. "Демак, тушликка иссиқ нон ҳам бисёр" ўйлади раис мамнун бўлиб. Яқинда бу ерда меҳнат мухофазасига бағишлаб ўтказилган кўрик-семинар изсиз кетмаганлигини, ходимларга ғамхўрлик рисоладагидек эканлигини пайқади.

Устахона томондан токарлик дастгоҳининг гуруллаб ишлаётгани эшитилар, ёзлик айвон қаршисида трактор кўзга ташланарди. Унинг атрофида созловчилар қуймаланишарди. Улар техникани тезроқ қўлдан чиқариш, далада уни махтал бўлиб кутаётган деҳқонларнинг оғирини-енгил қилиш пайида эдилар.

Ҳайдовчига машинани Эъзозхон Собирова бошлиқ пудратчилар даласига буришни айтди. Бу ерда ҳам раис ишчиларнинг дам олиши, овқатланиши, маошларнинг қўлига тегиши билан қизиқди.

- Ана, "дала ошхонамиз" ҳам келяпти, - деди Эъзозхон қораси кўринган машинага ишора қилиб. Кўп ўтмай ариқ бўйида "Москвич-фургон" келиб тўхтади. Ундан ўтин, қозон-товоқ, озиқ-овқат маҳсулотларини тушира бошладилар. Бош пудратчи, шийпон капитал таъмирдан чиқарилаётгани, иссиқ овқат даланинг ўзида тайёрланаётганини айтди.

Раис ғўзалар ривожи билан танишгунча, дала ошхонаси ишга киришди. Бироздан сўнг таомнинг ҳиди тутиб кетди. Тут остидаги бак шарақлаб қайнай бошлади. Ҳамма тушликка йиғила бошлади. Айниқса, аг-роном бошлиқ ҳисоб-китоб гуруҳининг далада ҳозир бўлиши ишчиларга маъқул келди. Ғазначи Хусниой Хасанова дастурхон устида маош тарқатишга тушди. Тракторчи Иқболжон Аҳмедов "қандини урди". Олдинги иш ҳақи тўловларида 25 минг мукофот пули олганди. Мана, навбатдаги ой якунида қатор ораларига сифатли ишлов бергани учун гектарига 5000 сўмдан иш ҳақи оляпти.

Меҳнат қадр топган жойда ишга унум қўшилади. Эгатларга маржондек терилган, бегона ўтдан тозаланган баравж ғўзалар сарин елда енгил чайқаларди. Сўнгра раис, Эъзозхон билан биргалашиб пахтазорга ёндош ғаллазорга ўтди. Қуёшдан нур эмиб, олтиндек товланаётган ғалла-зорга икковлон завқланиб тикилиб қолдилар. Далада, ҳали тандирнинг тафти кетмаган ноннинг бўйи анқирди. Раис эсаётган майин шабададан роҳатланиб, ҳосили пишиб етилаётган жим-жит далани узоқ томоша қиларкан, тинчликнинг, осойишталикни яратувчи қудратни юракдан ўтказди. Бунгача Эъзозхон пахтазорга ўтиб, тракторчиларнинг ишини кўздан ўтказиш, сувчиларга йўл-йўриқлар бериб, яна Қодиржон ёнига қайтишга улгирганди.

Қодиржон йиғим-теримга тайёргарлик - хирмон жойларни тахт қилиш, йўлкўприкларни созлаш, тош-торозиларни ҳозирлаш, комбайнчиларнинг озиқ-овқати ҳақида гап очиб, пудратчиларнинг ишидан қониқди. Чунки ушбу юмушлар ниҳоясига етказилганди.

- Деҳқончилик илмини сув қилиб ичган, нафақат пахтакор, балки миришкор ғаллакор! - хаёлидан кечди раиснинг. Қодиржон Эъзозхон ёрдамида ечими топилган бир муаммони эслади. Юқоридан ширкат хўжалигига боғланган фармонбардор вакиллардан бири буғдой бошоқлари "сут қатиқ" бўлганда, қўшимча ўғитлаш ҳақида Эъзозхонга ўдағайлайди. У майдонлар етарли ўғитланганлиги, нормадан ошиқчаси бошоқларнинг ғовлаб кетишига олиб келиши, оқибатда, туплар ерга ётиши, дон нобуд бўлиши - энг ёмони ер бағирлаган бошоқларни комбайн агрегатлари ўроллмаслигини айтиб, вакилнинг гапини кесади.

Эъзозхон Собирова деҳқончилик қилаётган 50 гектар ердаги ғаллазорларда ҳосил яхши. Гектаридан 70 центнердан "қирмизи дон" етиштириш юзасидан ният қилишган. Ўтган йили ҳам хирмон баракали бўлган. Гектаридан 60 центнердан буғдой йиғиштириб олиниб, шартномадан ошиқча 30 тонна ғалла ишчиларга тарқатилди. Пахтачиликда ҳам йил яхши якунланди. 45 гектар ердан 41 центнерлик марра эгалланди. Пудратчилар 2004 йилда пахтачилик ва ғаллачиликдан 20 миллион сўмлик даромадни қўлга киритдилар. Уларнинг жорий йилдан умидлари катта. 28 гектар майдондан 41 центнерлик хирмонни кўзлаяптилар. Шартномадан ортиқча, 40 тоннага яқин дон ўзларига қолиши ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Истиқлол берган эгалик, мулкдорлик туйғуси уларни ўз тақдирларига хўжайин бўлиш ҳуқуқини берди. Қўрғонтепа туманидаги "Дардоқ" ширкат хўжалигида бошқарувнинг янги шакли - пудрат усули тўлатўкис ўзини оқламоқда. Бугунги кунда пахтачилик ҳамда ғаллачиликда 176 та пудратчилар фаолият кўрсатишмоқда. Уларга 2000 гектарга яқин ер ажратиб берилган.

Оилавий пудратчилардан Тўлқинжон Қодиров пахтадан салкам 32 центнердан хирмон кўтариб, ўтган йили 14 миллион сўмлик даромад эгаси бўлганди. Жорий йилда ҳам улар тўқай шароитида 35 центнердан пахта, 65 центнердан буғдой етиштириш иштиёқида меҳнат қилаётирлар. Эрта-индин ғаллазорларда комбайнлар гуруллай бошлайди. Пахтазорларда ҳаёт қайнайди. Қатор ораларига ишлов қизғин боряпти. 30 гектар ердаги ғўзалар шоналаяпти. Абдулҳамид Анваровлар оиласи ҳам ўзига тинч хонадонлардан. Ўтган йили лалми ерда 60 центнерлик буғдой хирмони уйиб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан уддалашди. 3 тонна буғдой оила омборига ғамланди. Бу бултурги нархга чаққанда 6 миллион сўм оила бюджетига кирим дегани.

Абдулҳамид ғаллазорни оралаб, терисига сиғмади. Дала 65 центнерлик ўримдан нишона бериб турарди. Демак, давлат буюртмаси ортиғи билан адо этилиб, 4 тоннага яқин ғалла бордонга босилади. Дони борнинг эртанги кундан кўнгли тўқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишсизликни олдини олиш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хуллас аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ишончли воситаси жамоа шартномасидир. Касаба уюшма қўмитаси билан иш берувчи самарали ҳамкорлик қилаётир. Негаки, ширкатда 10 мингдан зиёд аъзо меҳнат қилмоқда. Кейинги йилларда оилавий пудратни жорий этиш туфайли, ишламай, ўқимай юрган 300 нафарга яқин қишлоқ ёшларини мавсумий ёлланма меҳнатга жалб қилинди.

- Касаба уюшма ташкилоти билан биргаликда жамоа шартномасини қайта кўриб чиқдик, - дейди биз билан суҳбатда ширкат бошқаруви раиси Қодиржон Исмоилов. - Бюджетдан ташқари сармоялар топиш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган янги бандлар билан шартномани бойитдик.

2004 йилда ширкатнинг 14 гектар ердаги кам ҳосилли боғлари 8 нафар ижарачига шартнома асосида бўлиб берилганди. Ерга, мулкка эгаликдан аввало рўзғорга, қолаверса ширкат жамоасига қут-барака ёғиляпти. Шартнома лавзига амал қилиб, маҳсулотнинг ортиғини бозорга чиқариб сотган соҳибкорларнинг қўллари узун. Натижада ширкат ғазнасига ер ҳақидан йилига 2 миллион сўм атрофида тушум бўляпти. Жорий йилда ҳам ижарадаги боғдан 1 миллион даромад тушди.

Яқинда ташландиқ устахонада кулолчилик цехи очилди. Ҳозирда риштонлик кулоллар янги ишга жойлашган 5 нафар дардоқлик ёшларга касб-ҳунар сирларини ўргатяптилар. Машина-трактор паркининг бўш биносида кичик тикувчилик корхонаси ташкил қилиниш арафасида. Тадбиркорлик шарофати билан 10 нафарга яқин уй бекалари муқим иш ўрнига эга бўладилар.

Хулоса шуки, шундай гўзал ҳаётимизни, ютуқларимизни кўролмаётган ёвузларга эл-улус бир бўлиб, фидойи меҳнатимиз, ҳамжиҳатлигимиз, нафратимиз билан жавоб беряпмиз.

С. РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири







Касаба уюшма тадбири

НАФОСАТ, ГЎЗАЛЛИК ВА ШИЖОАТ

қалбларни дўстлик ришталари билан мустаҳкам боғлади

Меҳнаткашлар ўртасида спорт-соғломлаштириш ишларини кенгайтириш, улар орасидан санъатга иқтидорлиларни кашф этиш касаба уюшмаларининг доимий вазифалари қаторидан жой эгаллаган. Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши (раиси Маъмура Одилова) томонидан кўп йиллардан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган спартакиада ва бадиий жамоалар кўрик-танлови ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Куни кеча «Тошкент денгизи» соҳилида жойлашган сўлим ва хушхаво «Меҳржон» оромгоҳида тармоқ вакилларининг спорт ва санъат бўйича навбатдаги беллашувлари бўлиб ўтди.

Хушманзара табиат қучоғи, теварак-атрофнинг сўлимлиги иштирокчиларга кўтаринкилик бағишлади. Бу мусобақаларнинг юксак савияда ўтишига ижобий таъсир кўрсатди.

– Спортчилар ва бадиий ҳаваскорлар беллашувларининг бир-бирига уйғун тарзда ўтказилиши чуқур рамзий маънога эга. Жисмонан чиниқиш киши танига куч, руҳиятига тетиклик бахш этса, санъат қалбда ҳаётга ҳавас уйғотади, меҳнат завқини оширади. Ўйлайманки, бизнинг бу саъй-ҳаракатимиз соҳа меҳнаткашларининг янада унумли ишлашларини таъминлашда салмоқли ҳисса қўшади,– дейди тармоқ касаба уюшма Марказий Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Шаҳодат Тўлаганова.

Мусобақалар давомида меҳнаткашларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқиш ошиб бораётгани яққол кўзга ташланди. Совринли ўринлар улар ўртасида қуйидагича тақсимланди: волейболчилар ўртасидаги баҳсларда Самарқанд вилояти жамоаси юқори устунликни қўлга киритди. Наманганлик ва бухоролик спортчилар кейинги ўринларни забт этишди. Енгил атлетика мусобақаларида аёллар гуруҳида бухоролик Шаҳодат Ҳикматова мутлақ ғалабага эришди. Самарқандлик Руҳона Тоҳирова иккинчи, Наманган вилояти вакили Дилдора Мадумарова учинчи ўринлардан жой эгаллашди. Эркаклар ўртасида эса биринчи ўринга самарқандлик Машраб Ибрагимов, иккинчи ўринга бухоролик Ҳусан Неков, учинчи ўринга наманганлик Акбархон Мамадалиев муносиб топилди. Стол тенниси турида Дилбар Шукурова (Бухоро) аёллар ичида юқори ўринни эгаллади. Галина Маслова (Тошкент шаҳри) ва Ирода Икромова (Андижон) кейинги поғоналардан ўрин олишди. Теннисчи эркаклар беллашувида самарқандлик Абдуҳаким Жўрақулов (I ўрин), пойтахтлик Алим Ширимов (II ўрин), андижонлик Шуҳрат Каримов (III ўрин) ғолиб бўлишди. Кучлилар баҳси – арқон тортиш бўйича яна Самарқанд вилояти жамоаси барча рақибларни доғда қолдириб, биринчи ўринга сазовор бўлди. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилояти спортчиларига кейинги ўринлар насиб этди. Оилавий спорт жамоалари ўртасида кечган баҳсларда самарқандлик Исаевлар оиласига омад кулиб боқди. Наманганлик Раҳмоновлар оиласи иккинчи ўрин, пойтахт вилоятилик Жўраевлар оиласи учинчи ўрин соҳиби бўлишди. Умумжамоа ҳисобида Самарқанд вилояти вакиллари биринчи ўринга, бухороликлар иккинчи ўринга, наманганликлар учинчи ўринга кўтарилишди.

Бадиий жамоалар ўртасидаги кўрик-танлов ўз моҳияти билан санъат байрамига айланиб кетди. Ҳаваскор гуруҳларнинг ҳар бир чиқиши томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Улар бешта шартга кўра ўзаро беллашдилар. Маҳорат билан ижро этилган гўзал куй-қўшиқлар, жозибали рақс ва таъсирчан саҳна кўринишлари иштирокчиларнинг ёрқин истеъдодидан далолат берди. Энг эътиборлиси, саҳнага олиб чиқилган ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос санъати, чиройли удумлари миллийлигимизнинг ранг-баранг ва серқирра кўринишини намойиш этди. Хоразм лазгисию фарғонача лапарлар, қашқадарёлик аёллар ижросидаги ўланлару бухороча хиром этишлар, қўйингки, барча ўзбекона оҳанглар қалбларга гўзал ҳис-туйғуларни олиб кирди. Ҳакамлар ҳайъати ҳаваскор ижрочилар маҳоратига холис баҳо бериб, Фарғона вилоят Қўқон шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси жамоасини олий ўринга лойиқ топишди. Тошкент вилояти жамоаси эса I ўринни эгаллади. Пойтахтлик ва бухоролик ҳаваскорлар кейинги поғонадан жой олишди. Хоразм, Самарқанд, Андижон вилоятлари жамоалари учинчи ўринга сазовор бўлишди. «Энг яхши ижро маҳорати учун» номинацияси бўйича Сурхондарё вилояти жамоаси ғолиб топилди. «Энг яхши саҳна маданияти учун» соврини Наманган, Андижон, Самарқанд вилоятлари гуруҳларига берилди. Сурхондарёлик Бойбўри Ҳамзаев «Энг кекса ижрочи» сифатида эътироф этилган бўлса, фарғоналик Мунира Мелибоева «Энг ёш ижрочи» деб топилди. Қашқадарёлик ҳаваскорлар «Энг яхши миллий либослар учун» номинацияси совриндори бўлишди.

Ғолиб ва совриндорлар тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашининг диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Т.ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири
И.ҲАСАНОВ
олган суратлар

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтида эндокринология ва болалар гинекологиясининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз олимлари, шифокорлари, ёш тадқиқотчилари билан бирга хориждан келган мутахассислар ҳам иштирок этди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти директори Ж.Қурбонов, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедра мудири Д.Каримова ва бошқалар юртимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан тиббиёт соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлиғини асраб-авайлаш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар.

- Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти олимлари аёлларда учрайдиган касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг кўламли изланишлар олиб бораётир,- деди мазкур институт илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди Динора Азизова.- Тадқиқотлар натижасида юрак, қонтомир тизимлари ва остеопороз-суяк мўртлиги касалликларини келтириб чиқарадиган омилларни тезда аниқлаш усуллари яратилди. Бундай хасталикларга ўз вақтида ташҳис қўйиш ва даволаш аёллар соғлиғини яхшилашга хизмат қилаётир.

Анжуманда балоғат ёшидаги қизлар ва аёлларни шифокор кўригидан мунтазам ўтказиб бориш, уларнинг тиббий маданиятини янада юксалтириш касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди. Акушерлик, гинекология ва эндокринология соҳасида мамлакатимиз ҳамда хориж илм-фани эришаётган ютуқлар, бу борада яратилаётган янги даволаш усуллари ва воситаларини амалда қўллашга бағишланган маърузалар тингланди.

(ЎзА)

ҚЎШИБ ОЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН КОРХОНАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРНОМА

«Сурхон-Дори-Дармон» очиқ турдаги давлат акционерлик жамияти жойлашган манзили: 7, Термиз шаҳри, А.Икромов кўчаси, 119 «а» уй, СТИР: 201389395

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»нинг 52-модда ва Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 95-моддасига асосан ҳамда жамиятнинг 2005 йил 9 июндаги акционерларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига биноан жамият «Дори-Дармон» давлат акциядорлик уюшмаси (жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй, СТИР 201389395)га бирлаштирилиши муносабати билан ўз фаолиятини тугатаётганлигини хабар қилади.

Шу муносабат билан Сизга хабар берамиз, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 95-моддасига мувофиқ, кредитор жамиятдан мажбуриятларни тугатиш ва уларни муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Талабномалар Кредиторларга қайта ташкил қилиш тўғрисидаги хабарномалар юборилган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзилга: индекс 700021, Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй, СТИР 201389395 тақдим қилиниши мумкин.

Жамият Кузатув кенгаши

«БУХОРО ДОРИ-ДАРМОН» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

«Бухоро Дори-Дармон» Давлат акционерлик бирлашмаси, жойлашган манзили: Бухоро шаҳар, Гагарин кўчаси 40-уй, СТИР 200851700, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 52 модда ва Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 95-моддасига асосан ҳамда бирлашманинг 2005 йил 6 июндаги акционерларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан бирлашма «Дори-Дармон» Давлат акционерлик уюшмаси (жойлашган манзили: Тошкент шаҳар, Охунбобоев майдони, 21-уй, СТИР 201389395)га бирлаштирилиши муносабати билан ўз фаолиятини тугатаётганлигини хабар қилади.

Шу муносабат билан Сизга хабар берамиз, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 95-моддасига мувофиқ, кредитор жамиятдан мажбуриятларни тугатиш ва уларни муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Талабномалар Кредиторларга қайта ташкил қилиш тўғрисидаги хабарномалар юборилган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзилга: индекс 700021, Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй, СТИР 201389395 тақдим қилиниши мумкин.

ТАДБИРКОР ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Янгиерлик тадбиркор Неъматулла Ғайбуллаев ўз фирмаси фаолиятини янада кенгайтириш учун вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бандлик жамғармасидан 10 миллион сўм имтиёзли кредит олди. Мақсади - қандолат цехига бир кеча-кундузда 800 килограмм печенье ишлаб чиқарадиган линия ўрнатиш.

Мазкур нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси яқинда ташкил этилганига қарамай, бу ерда тайёрланаётган нон, ширин кулча, печенье ва макарон маҳсулотларига аҳоли ўртасида талаб катта.

Бугунги кунда фирмада олти нафар ишчи меҳнат қилаётган бўлса, яқин кунлар ичида уларнинг сони ўндан ортади.

«SHARQ TARONASI»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорларнинг умумий мажлиси 2005 йил 30 июн куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Мараимов кўчаси, 58-уйда ўтказилишини маълум қилади.
Акциядорлар реестри 2005 йил 30 май ҳолатига ёпилади.

Кун тартиби:

1. Кузатув Кенгаш раиси ҳисоботини тасдиқлаш.
2. 2004 йил якунлари бўйича корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти тўғрисида бош директор ҳисоботини ва 2005 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
3. 2004 йил якунлари бўйича корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича аудитор ва тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Бухгалтерия баланси, 2004 йил учун фойда ва зарар ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Бош директор билан шартномани 1 йил муддатга узайтириш.
6. Устав фонди тўғрисида.
7. Жамият аудиторини тасдиқлаш.

Баланс ОАЖ «Sharq Taronasi» 01.01.2004 г.

Актив:	(на 01.01.2004 г.)	(на 01.01.2005 г.)
1. Узоқ муддатли активлар	95406	139358
2. Айланма активлар	15884	30577
Баланс (сатрлар жами 190,390)	111290	169935
Пассив		
1. Узоқ муддатли маблағлар манбалари	103281	153172
2. Қисқа муддатли пассивлар	8009	16763
Баланс	111290	169935

ОАЖ «Sharq Taronasi» Кузатув Кенгаши.

ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ ОАО «ТАШКЕНТСКИЙ ЗАВОД «КОМПРЕССОР»

На основании решения ЦКК за № О24 от 31.05.05 ОАО «ТЗ «Компрессор» проводит конвертацию наличных акций на предъявителя на простые именные акции в безналичной форме. Держателям наличных акций необходимо подойти в ОАО «ТЗК». При себе иметь паспорт. **Справки по телефону 398-61-85.**

Правление ОАО.

Инсон ва табиат

«Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир. Улардан окилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», – дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясида.

ҲИСОР ҚЎРИҚХОНАСИ

Халқимиз азалдан она табиатга ўзгача меҳр-муҳаббат билан қараб, уни ҳамиша асраб-авайлаб келган. Халқ достонлари, эртаклари, мақол ва масалларида, муқаддас Ҳадисларда ҳар қандай моддий неъмат, ерости ва ерусти бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказиш, нобуд қилиш увол ҳисобланган.

Хушҳаво масканларга бой Қашқадарёда табиатнинг очиқ китоби борлиги билан фахрланамиз. Ана шундай кўркам масканлардан бири «Ҳисор» давлат қўриқхонасидир. Ҳисор тоғ тизмалари ва тоғолди этакларидан ўрин олган бу гўзал гўшани табиатнинг ўзига хос бебаҳо хазинаси деб аташ мумкин.

1983 йилда ташкил этилган Ҳисор давлат қўриқхонаси 80956 гектардан кўпроқ майдонни эгаллайди. Ҳудуднинг 12203 гектари сув билан қопланган, 171 гектари ўрмонзорлардан иборат. Ғарбдан шарққача 37 километр, шимолдан жанубгача 50 километр масофани эгаллаган қўриқхона майдони денгиз сатҳидан 1500-4500 метр баландликда жойлашган бўлиб, ҳудуди Ҳазрати Султон ота тоғ чўққиларидан бошланади ва Гова довони оша Сурхондарё вилояти, Қамаши туманининг Сарингул тоғликлари ва Тошқўрғон қишлоғи бўйлаб чўзилади. Ғилон, Мироқи, Танхоздарё ва Қизилсув каби бўлимлардан иборат қўриқхонада ўсимликларнинг 870 тури мавжуд бўлиб, унинг 38 тури «Қизил китоб»га киритилган. Табиатнинг такрорланмас мўъжизаси ҳисобланган Туберген лоласи, Бобров астрагали, Ўзбекистон чиннигули, етмак, анзурпиёз, улуғ лола, сунбул, тоғ ёввойи пиёзи, зира, тоғ райҳони, мойчечак, ялпиз, чой ўти, зирк, наъматак, бодом, дўлана каби минг дардга малҳам бўладиган ноёб ва шифобахш ўсимликлар бор. Йил бўйи ям-яшил яшнаб турадиган Зарафшон арчаси теварак-атрофга тоза ҳаво тарқатади.

Ҳайвонот оламининг турфа хили табиатда мутаносибликни, мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Улар давлат томонидан қўриқланмоқда. Айниқса, қор қоплони, қўнғир айиқ, тўнғиз, Туркистон силовсини, Ўрта Осиё қундузи, Сибир тоғ эчкиси кўпроқ учрайди. Само бўйлаб қанот қоқаётган паррандаю даррандалар киши ҳайратини оширади. Бургут, каклик, болтаютар, ҳилол сингари 116 турдаги қушлар қўриқхонанинг ҳақиқий бойлиги ҳисобланади. Айниқса, сони ниҳоятда камайиб қолган фарел ва маринка каби балиқларни кўпайтириш қўриқхона ходимларининг диққат-эътиборида турибди.

– Атроф-муҳитнинг мусаффолиги, экологик барқарорлик учун кураш ҳар бир кишининг келажак авлод олдидаги ватанпарварлик бурчи,–дейди биз билан суҳбатда қўриқхонанинг катта илмий ходими Элмурод Бобомуродов. – Табиат қўриқчилари ҳаво, сув, тупроқ софлиги, ер, ерости, ва ерусти бойликлари, ҳайвонот ва наботот оламини асраб-авайлаш учун йил бўйи тиним билишмайди.

Ноёб ўсимликлар одатда денгиз сатҳидан 1300-2800 метр баландликда учрайди. Уларни кузатиш учун махсус синов майдончалари ҳозирланган. Бу жойларда илмий ходимлар билан ҳамкорликда Қарши давлат университети ўқитувчилари, биология фанлари доктори Лутфулла Ёзиев, профессор Самадулла Мустафоевлар йўқолиш арафасида турган ўсимликларни излаш ва кўпайтириш устида астойдил иш олиб боришяпти.

Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан доривор гиёҳларни ўстириш ва кўпайтиришга алоҳида эътибор бериляпти. Ҳар қандай ёввойи ҳолда ўсувчи ва доривор ўсимликлар пайҳон қилинганда энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима тўланади. Воҳанинг яна бир бойлиги Китоб геологик қўриқхонасидир. Жанубий Зарафшон тоғининг ёнбағрида жойлашган бу қўриқхонага 1979 йилда асос солинган. Илмий тадқиқотлар туфайли 16 гуруҳ тошга айланган организмларнинг қолдиқлари аниқланган.

Инглиз олими доктор Оливерснинг изланишлари натижасида қўриқхона «Ўзбекистондаги Зарафшон тоғли вилояти Зилзилбон кесими» халқаро эталони сифатида тан олинган. Қўриқхона Хўжақўрғонсой, Зилзилбон, Новобак, Шаҳриамон ва бошқа минтақаларни ўз ичига олган. 5378 гектар майдонни эгаллаган очиқ музей давлат томонидан муҳофаза қилинади. Жиннидарёнинг чап ирмоғи бўйлаб чўзилган тоғ йўли Жовуз қишлоғидан ўтгандан сўнг Бўрсихирмон кенгликларига тақалиб боради. Улкан наҳрнинг Куло, Қизил олма, Новолча, Новобак, Оқсув каби ирмоқлари оқиб ўтади.

Маҳобатли даралар, доимо шовуллаб оқиб турадиган шаршаларни кўриб ҳайратланасиз. Олимларнинг аниқлашича, қўриқхона ҳудудида бундан 500 миллион йил олдин Тетиз денгизи мавжланиб турганлигидан далолат беради. Китоб геологик қўриқхонасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини давом эттириш, бу ердаги мавжуд тош қатламлари, ҳайвонот ва наботот дунёсини ўрганиш, унинг табиати ва бойликлари ҳақида фарзандларимизга ҳикоя қилиб бериш айни муддао. Табиатга меҳр ёшликдан бошланади. Қашқа воҳасининг зилол сувлари, паррандаю даррандалари, доривор ўсимликлари, яшил арчазорлари сеҳри ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий.

И.ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири



Куюнчак дил изҳори

ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ КЎПРОҚ ЯНГРАСИН

Ҳар бир воҳанинг ўзига хос бетакрор қўшиқлари, рақс ва лапарлари бор. Яқин-яқинларгача вилоятлардаги мавжуд филармониялар бунга эътибор бергани йўқ. Уларнинг ёпилишига асл сабаблардан бири репертуарининг қашшоқлиги, тақлид кўпайиб кетганлиги бўлди. Филармониялар ўз қиёфасини топа олмади. Уларнинг ижодкорлари ўз устларида ишлашмади, вилоятларда хонанда ва созандаларни изланиш йўлидан бошлайдиган раҳбарлар ҳам бўлмади. Лекин таъкидлаш керакки, филармониялар вилоятлар учун жуда зарур. Ахир бутун вилоятда мусиқани, қўшиқни профессионал савияда ижро этадиган жамоа бўлмаслиги мумкинми?!

Гап фақат филармония санъаткорлари савиясини, репертуарини яхшилашда қолган, холос. Бу эса яна халқ оғзаки ижодига, маданий меросимизга мурожаат этишни тақозо этади.

Кези келганда мусиқаларимиз ижроси ҳақида ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Бунда чолғу асбобларининг роли катталиги шубҳасиз. Ҳозир кўпгина санъаткорларимиз ансамблга турли халқларнинг чолғу асбобларини олиб кирмоқдалар. Бу борада кескин чегара тортиб қўйиш ҳам мумкин эмас. Лекин най, қўшнай, дутор, танбур каби куйга халқона руҳ, миллий колорит бағишлайдиган созлар тобора камроқ кўринмоқда.

Қардош халқлар чолғу асбобларидан фойдаланганда уларнинг турдошларини, мусиқани ўзи томонга бошлаб кетмайдиганларини танлаш керак. Ахир, симфоник куй ижодкорлари муайян чолғу асбобларидан образ яратиш мақсадида бежиз фойдаланмайдилар. Биз мусиқа ва қўшиқларимизни авлодларга бутун завқ-эҳтироси, табиийлиги ва гўзаллиги билан етказишимиз керак.

А.ЖУМАҚУЛИЕВ

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

Чим устида хоккей бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунланди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда Андижоннинг «Звезда» жамоаси вакиллари шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Самарқанддаги ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби хоккейчилари иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Фарғонанинг «Фарғона-Азот» жамоаси спортчиларига насиб этди.

Хотин-қизлар ўртасида Бухоронинг «Ситора» жамоаси хоккейчи қизларига тенг келадигани топилмади. Самарқанд олимпия захиралари коллежи - иккинчи, Андижон вилоят ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоаси аъзолари эса учинчи ўринларни банд этди.

(ЎзА)

Биласизми?

Ватанимиз тарихини ўрганишда археологик материаллар билан бирга турли давлатларнинг ёзма манбалари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, Эрон, Ҳиндистон, қадимги Юнон ва Рим, Хитой ва Суғд ёзма манбаларида бу борада алоҳида фикр юритилган.

МОЗИЙГА ҚАРАБ ИШ КЎРИШЛИК ҲАЙРЛИДИР

Қадимги Эрон манбалари ҳисобланган тош ва сополга ўйиб ёзилган китобалар Ахмонийларнинг қадимий пойтахти Персополь, шунингдек Суза ва Экбатана (ҳозирги Ҳамадон) шаҳарлари ва уларнинг атрофидан топилган. Масалан, пишиқ сопол тахтачага ўйиб ёзилган бир китобда Доро I ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Сузада бунёд этилган саройнинг қурилиш тафсилоти баён этилган. Маълумотларга кўра, қурилишга олтин Лидия билан Бақтриядан, қимматбаҳо тошлар Суғдиёнадан, феруза Хоразмдан олиб келинган.

Шунингдек, Ўзбекистонни қадимги тарихини ўрганишда Юнонистон ва Рим тарихчилари ҳамда географ олимлари яратган асарлар ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Геродот йирик қомусий олим, тарих фанининг "отаси" ҳисобланади. У 455 - 447 йилларида Европа, Осиё ва Миср бўйлаб саёҳат қилган.

Унинг "Тарих" асарида Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари бўлмиш агриппайлар, исседонлар, массагетлар, дайллар ва саклар, уларнинг турмуши, урф-одатлари ҳамда қўшни мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Квант Курцей Руф машҳур Рим тарихчиси. У Искандар Зулқарнайннинг Эрон, Ўрта Осиё ва бошқа мамлакатларга қилган ҳаракатлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Йирик тарихчи олим Бань Гу Аньлин сулоласи эса "Цянь Хань Шу" (аввалги Хань сулоласининг тарихи) асарини ёзган.

Асарнинг 95 бобида Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг қадимий тарихи, халқи ва унинг ҳаёти ҳақида муҳим маълумотлар учрайди.

Ниҳоятда муҳим манба ҳисобланган ушбу китоб 1962 йилда Пекинда 12 жилдда нашр қилинган.

Ҳа, тарих улуғ мураббий, бугунги ва келажак авлодларнинг доно устозидир. У кишини фикрлашга ўргатиб, ўтмишни идрок қилиш, келажакка ақл билан назар ташлашга ўргатади. Зеро, севимли ёзувимиз Абдулла Қодирий айтганларидек, "Мозийга қараб иш кўришлик хайрлидир".

А.ДАДАХЎЖАЕВА

НИМ ТАБАССУМ

Бола биринчи синфга ўқишга борипти.

– Отинг нима? – деб сўрапти ўқитувчи.

Боладан садо чиқмапти.

– Ойинг тушлик овқатни келтириб қўйгач, сени нима деб чақиради?

– Чақирмайди. Бунақа вақтда мен доимо стол ёнида ўтирган бўламан.

* * *

Нигора пашша тутиб онасига деди:

– Ойи шундан фил қилиб беринг.

– Бу мумкин эмас, жонгинам.

– Дадам сизни доим пашшадан фил ясайди дейдилар-ку.

* * *

– Бугун ўқитувчинг яна сендан нолиди, – деди она ўғлига.

– Нега энди, ойижон? Бугун, умуман, мактабга борганим йўқ-ку...

* * *

Югуриб кетаётган икки болани кўриб Абдураим ўртоғидан сўраяпти:

– Улар нега югуришаяпти?

– Ким биринчи келса, мукофот олади.

– Бўлмаса, нега иккинчиси югуряпти?

* * *

– Тошмат, синфингизда энг ялқов ким?

– Билмайман.

– Ҳамма ёзаётганда, ким ёзмай қараб ўтиради?

– Ўқитувчимиз.

* * *

Она ўғлидан:

– Даданг олиб берган ҳамма ўйинчоқларни синдириб бўлдингми?

– Йўқ. Болғача қолди.

* * *

Ўқитувчи:

– «Мен ювиняпман», «сен ювиняпсан», «у ювиняпти» десак, қайси замон бўлади.

Ўқувчи:

– Албатта, эрталаб бўлади-да...

* * *

– Опера нима? – деб сўради ўғил отасидан.

– Опера шунақа нарсаки, бири бошқасига ханжар санчса, у қонига бўялиб йиқилиш ўрнига, баланд овозда узоқ ашула айтади.

* * *

– Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан, ўғлим?

– Тиш доктори бўламан.

– Нега энди? Юрак доктори бўлақол-да...

– Бўлмайди. Унда очликдан ўлиш мумкин.

– Нечук?

– Чунки одамда фақат битта юрак бор, тиш эса ўттиз иккита...

НОЁБ ЭКСПОНАТ

«Нима учун мен дунёда бахтлиман» деб номланган расмлар кўргазмасида кўпгина экспонатлар намойиш қилинди. Ўзбекистон бадиий академияси билан Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган бу экспозицияда словакиялик ёш истеъдодлар чизган расмларга кенг ўрин берилди.

Кўргазмаларда Ер кўриниши акс эттирилган катта плакат ҳам ташаббусларда қизиқиш уйғотди. Ана шу таъсирчан ижод намунаси Ўзбекистон бадиий академиясига кўргазма жамоаси томонидан тақдим этилди. Тасвирларга бой плакат эндиликда академияси ноёб экспонатларидан бири бўлиб қолди.

УНИВЕРСИТЕТДА ЯНГИ КАФЕДРА

Қарши давлат университетида жаҳон тарихи ва археология кафедраси ташкил топди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги юбилейига муносиб совға бўлган бу кафедра қадимий ва маданий ёдгорликлар тарихига оид билимларни тарғиб этиш билан яқиндан шуғулланади.

Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан маълум қилинишича янги кафедра ўзининг археология ва этиология илмий марказига ҳам эга бўлди. Мазкур марказда ҳозир 20 нафарга яқин ходим изланишлар билан банд.

Қашқадарё воҳасидаги Шулликтепа қадимий шаҳарчасида археологик қазилма ишларини олиб боришда ҳам марказ жамоаси фаоллик кўрсатади.

А.АЛИЕВ

Буюклар ҳаётидан

ПИКАССОНИНГ ЕТТИ ГЎЗАЛИ

Буюк рассом Пабло Пикассо етти марта уйланган. Бироқ рассом билан ўз тақдирини боғлаган аёлларнинг ҳаёти фожеали тугаган. Пикассо рафикалари билан ажрашгач, улар ё касаллик туфайли вафот этганлар, ё ўз жонларига қасд қилганлар.

Пикассо ташки кўринишидан унчалик кўзга ташланмайдиган, жисмонан бакувват бўлмаса-да, унинг тийрак, ўтли нигоҳи бир қарашда киши юрагини ёндириб юборарди. У бир вақтнинг ўзида жоҳил ва меҳрибон, таъсирчан ва мағрур, раҳмсиз ҳамда катта муҳаббат эгаси эди.

Пикассо 23 ёшида Парижга бориш истагида Барселонани тарк этади. 1904 йили Монмартда ўз устахонасини ташкил қилади. Шу ерда рассом Фернанда Оливе билан танишади ва улар бирга яшай бошлашади. Фернанда фарзанд кўргиси келиб, бу ҳақда Пикассога оғиз очади. Лекин рассом ҳозир бунинг мавриди эмаслигини, олдинда катта режалар турганлигини айтиб, аёлнинг таклифини рад этади. Рассом кўпроқ одамлар орасида бўлишга интиларди. 1911 йили Пабло Пикассо «Эрмитаж» кафесида Ева Гуэлни учратиб, уни севиб қолади. Бу севги таъсирида рассомнинг «Менинг гўзалим» портрети дунёга келади. Ушбу портретни чизиб, Пикассо аёлга ўз муҳаббатини изҳор қилган эди. Ева Пикассога худди шундай муҳаббат билан жавоб беради ва улар иккаласи Европа бўйлаб саёҳатга жўнайдилар. Ева Пикассони илҳомлантирар, унга ижодий куч-қувват бағишлар эди. 1915 йили улар турмуш қуришмоқчи бўлишганида, тўсатдан Еванинг рак билан касаллангани маълум бўлиб қолади. Ева баҳордан то қишгача касалхонада даволанади ва оламдан кўз юмади. Бу воқеа Пикассога қаттиқ таъсир қилади. У ўйчан, одамови бўлиб қолади. Тушкунлик кайфиятини ўзидан қувиш мақсадида рассом Римга қайтишга мажбур бўлади. Римда Пикассо театрга ишга жойлашади. Бу ерда у «Парад» балетининг костюм ва безаклари устида ишлаётганида 26 ёшли рус балеринаси Ольга Хохлова билан учратади. У Ольганинг ўйчан ҳолатдаги сиймосини полотноларга кетма-кет кўчириб аёлни ўзига мафтун этади. 1918 йили улар турмуш қуришади. Ольга рассомни дўстларидан йироқлашиб, ёлғиз яшашга кўндиришга ҳаракат қилади. 1921 йили уларнинг Пауло исмли ўғли дунёга келади. Шундай қилиб, 40 ёшида Пикассо ота деган номга мушарраф бўлади.

1927 йили Париждаги «Галерея Лафайет» дўконида рассом 17 ёшли қиз юрагини забт этади. Қизнинг исми Мария-Тереза Уолтер бўлиб, у ҳали балоғатга етмаган эди. Шу боис Пикассо у билан бўлган алоқасини Ольгадан яширишга мажбур бўлади. Мария-Тереза сиймоси Пикассонинг портретлари, расмлари, ўймакор, ҳайкалтарошлик ишларида аста-секин акс эта бошлайди. Ҳатто рассом 1937 йили Парижда ўтказилган жаҳон кўргазмасида «Кўза кўтарган аёл» деб номланган портрети билан қатнашади. Ҳозирда бу портрет рассомнинг қабри устига ўрнатилган.

1935 йили Мария-Тереза Пикассога ундан фарзанд кутаётганини маълум қилади. Бироқ оилавий шароити туфайли Пикассо Марияга уйланолмас эди. У хотини Ольга билан узил-кесил ажрашиши учун бор молмулкининг ярмидан воз кечмоғи лозим эди. У арқонни узун ташлаб, ажралишни орқага суради. Бундан ташқари, ўзи ҳақида турли миш-мишлар тарқалишини хоҳламайди. Ольга бўлса эридан заррача шубҳаланмас, қайтага уни тезроқ Буател қалъасига кўчиб ўтишга шоширар эди. 1935 йили Мария-Тереза Пикассога қиз фарзанд ҳадя этади. Унга Майя деб исм қўядилар. Бу воқеадан сўнг Пикассо она-болани турли кўринишларда қоғозга туширади.

Кейинги воқеалар бошқача тус олади. 1936 йили саҳнада Дора Маар деган фотомодел пайдо бўлади. Пикассонинг муҳаббати Ольга ва ўғли Пауло, Мария-Тереза билан қизи Майя ҳамда янги севгилиси Дора Маар ўртасида тақсимланади. Дора Ольга ва Мария-Тереза ҳақидаги барча ҳақиқатдан хабардор эди. Уч аёл қуршовида яшаш Пикассога катта ташвиш ва қийинчиликлар туғдиради. Ниҳоят, у Ольга билан қонуний ажрашишга аҳд қилади. У Мария-Тереза ва қизчасини ёлғизлатиб қўймай, вақти-вақти билан хабар олиб туради. Дора билан эса бирга яшай бошлайди. У рассомга қайтадан илҳом берар, аёлнинг ишқидан сармаст Пикассонинг қонида куч-ғайрат жўш урарди. Айнан шу аёл туфайли рассомнинг машҳур «Герника» асари яратилган эди. Доранинг рассом билан ишқий алоқаси 1946 йилгача давом этади. Пикассо Дорани ҳамиша йиғлаб турган ҳолатда тасаввур қиларди. Балки шу сабаб Парижда ўтказилган аукционда Дора сиймоси тасвирланган «Йиғлаётган аёл» портрети жуда катта пул - тўққиз миллион долларга сотилиб кетади. «Йиғлаётган аёл» қайсидир жиҳатлари билан «Герника» қаҳрамонларига ўхшайди. Бундан ташқари, аукционга қўйилган «Дора Маар яшил тирноқлари билан», «Дора Маар пляжда», «Дора Маар сариқ шарфда» портретлари беш миллион долларга сотилади. Ушбу аукциондан тушган катта маблағни Дора Маар икки кекса аёлга ҳадя қилади. Дора 55 ёшли Пикассони севиб, у яратган полотно ва расмлар таъсирида яшаган аёлнинг тақдири фожеали тугайди. У ўзини ўзи ўлдиради.

1943 йили Пикассо Парижда ўз устахонаси рўпарасидаги ресторанлардан бирида Франсуаза Жило билан учрашади. Пикассо аёлни бир кўришда ёқтириб қолади ва унинг суратини полотноларга кўчиради. Рассом бу аёл билан учрашиб юрганда Мария-Терезани ҳам унутмайди. Франсуазага бўлган муҳаббати натижасида «Аёл ва гул» номли портрети дунёга келади. Рассом ҳаётга энди бошқача нигоҳ билан қарайди. Тез орада Франсуаза ҳомиладор бўлади ва 1947 йили ўғил кўради. Болага Клод деб исм қўйишади. Орадан икки йил ўтгач, уларнинг Погома исмли қизалоқлари туғилади. 1953 йили Франсуаза бевақт оламдан кўз юмади. 1955 йили эса Ольга вафот этади. Фақат шундан кейин Пикассо Мария-Терезага уйланиш ҳақида гап очади. Бироқ Мария-Тереза вақт ўтганини рўкач қилиб, никоҳга розилик бермайди. Пикассо ўзини қандай овунтиришни билмай юрган кезларда Жаклин Рок исмли аёлга рўпара келади. Аёл рассомнинг юрагидан жой олади. Пикассо Жаклинга Канар оролидан вилла сотиб олиб беради. 1961 йили эса улар ўз тўйларини нишонлашади. Ўшанда Пикассо 80, Жаклин эса 34 ёшда эди.

Пикассо билан яшаган аёллар, уларнинг фарзандлари ундан катта миқдорда нафақа олишарди. Умрининг сўнгги йилларини Пикассо Жаклин билан дўст-ёрларидан йироқда ўтказишни маъқул кўради. У устахонасида туну кун ишлар, тинимсиз меҳнат қилар эди. 1972 йили рассом қаттиқ шамоллаб қолади. У каравотда ётар, ёнида доим кислород тўлдирилган ёстиқча турарди. Шундай оғир дамда ҳам у ишлашга, расм чизишга куч топа биларди.

Пикассо 1973 йилнинг 7 апрелида вафот этади. 92 ёшли рассом 80 мингга яқин мўйқалам, ҳайкалтарошлик асарларини ўзидан кейинги авлодга мерос қилиб қолдирди. Яратган портретларининг деярли барчасида ўзи севган, бирга яшаган ҳамда ёқтирган аёллар сиймосини акс эттирган ва улар ҳозиргача барчани ҳайратга солиб келмоқда.

Н.СОЛИҲОВА
тайёрлади

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 314 12345